



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 1 март, № 43 (5463)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАНИНГ БЎЛАЖАК ТАЪЛИМ ХАБИ

Сўнгги йилларда дунёда таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодий, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Таълимнинг роли инсон капитали таъсири ўсиши билан бирга муттасил юксалиб бормоқда. Таълим инфратузилмаси ҳар қандай мамлакат тараққиётининг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Зеро, у давлат миқёсида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг алоҳида соҳасига айланиб улгурди.

Айнан шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётининг устувор йўналиши, деб эълон қилинди. Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида жаҳоннинг бу борадаги илгор тажрибалари ҳамда халқимизнинг кўп асрлик миллий қадриятларини ўзида акс эттирган янги таълим тизими ҳаётга татбиқ этилди.

XXI аср кадрлари

1997 йилда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда миқёси, мукамаллиги ва мақсадлари билан ноёб ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши мазкур соҳадаги қилур ислохотларни амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар билан Ўзбекистонда таълимнинг етти босқичи: мактабгача таълим — умумий ўрта таълим — ўрта махсус, касб-хунар таълими — олий таълим — олий таълимдан кейинги таълим — кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш — мактабдан ташқари таълимни қамраб олган замонавий узлуksиз таълим тизими йўлга қўйилди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, миллий моделнинг ўзига хослиги шундаки, у бугунги кундаги "Билим — бутун ҳаёт" давомида ҳар бир инсон учун" тамойили талабларига тўлиқ жа-

воб беради, яъни узлуksиздир. Бошқача айтганда, инсон бутун ҳаёти давомида билим олиш, касб кўникмалари ва янги мутахассисликларга эга бўлиш имкониятини кўлга киритди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида Ўзбекистонда мутлақо янги турдаги таълим тизими — ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими яратилди, янги типдаги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари барпо этилди, мактаб ва олий таълим тизими тубдан ислох қилинди.

Истиқлол йилларида ўн минглаб мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари бунёд этилди ва реконструкция қилинди. Чунончи, ҳозир мамлакатимизда

9779 та умумтаълим мактаби фаолият юритиб келмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини рўйбга чиқариш доирасида 2004 — 2009 йилларда

8,5

мингдан ортиқ мактаблар қурилди ва капитал таъмирдан чиқарилди.

Уларнинг кўпчилиги қишлоқларда жойлашгани, айниқса, этиборлидир. Шу мақсадларда 1,4 триллион сўм маблағ сарфланди. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар сони мос равишда 1396 та ва 141 тани ташкил этади. Мазкур билим масканларида бугунги кунда қарийб 1,7 миллион ўғил-қиз таҳсил олмақда.



Бундай туб ислохотлар олий таълим тизимида ҳам амалга оширилиши натижасида, бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли тизим жорий этилди. Ўтган йиллар давомида олий таълим муассасалари сони 2 баробар кўпайди. Бугунги кунда келиб, юртимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртиларида 230 мингдан зиёд талаба билим олмақда. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларининг 11 худудий филиали ва Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва

газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодий университети каби етакчи хорижий олий ўқув юртиларининг 6 та филиали самарали фаолият юритиб келмоқда.

Таникли экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ҳар қандай вазиятда, ҳаттоки бугунги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам таълим тизимининг ҳар томонлама раванг топиши учун зарур қулайликлар, имкониятлар яратиш давлатнинг ҳар томонлама раванг бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилаётган. Давлатнинг алоҳида этибори ва амалий ёрдами туфайли республикада таълимнинг барча босқичларида тахсил олиш учун кенг йўл очилган. Пировардида жамиятнинг интеллектуал ва маънавий жиҳатдан тараққий этириш ҳамда баркамол авлодни воёга етказишга хизмат қилувчи самарали узлуksиз таълим тизими яратилди.

Бугун Ўзбекистон таълимнинг барча босқичларида илгор тадқиқотлар олиб бориш имконияти, ҳар томонлама юқори илмий салоҳияти ва малакали кадрлари мавжуд бўлган катта миқдордаги таълим муассасаларига эга маданий-илмий марказдир. Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, таълим тизимини ислох қилиш борасида мислсиз, бутун дунё эътирофига сазовор бўлган ютуқларга эришган мамлакат ҳамдир.

(Давоми 2-бетда).

Янгилик

Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган янги корхонада ҳеч нарса ишлаб чиқарилмайди. Балки...

Аҳамияти беқиёс

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили қабул қилинган "Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилиши ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида шундай лампаларни зарарсизлантириш билан шуғулланамиз, — дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Ибодулла Шукуров.

Маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини яратиш ҳамда тежамкор электр ускуналарини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Корхона ва муассасалар, ташилот ҳамда хонадонларда ҳам аънавий лампалар ўрнига ҳар томонлама тежамкор симобли лампалардан фойдаланишни афзал билишмоқда. Бу табиий ҳол. Ҳар нарсанинг камчилиги, сифатлиси яхши. Шундай эмасми?

Аммо... Ишлатиб бўлинган симобли лампаларни аҳоли, айниқса, болалар томонидан тушуниб-тушунмай дуч келган жойга, кўча-кўйларга ташлаб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқдаки, бунинг олдини олмака бўлмайди. Боиси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, симоб атроф-муҳит мусоф-фолиги ва аҳоли саломатлигига зарарлидир: ҳар бир люминацион лампа таркибиде 3 миллиграммдан 5 миллиграммгача зарарли модда мавжуд.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Маҳалла — оила суюнчи

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маънавий ҳаётни юксалтириш, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтириш, миллий урф-одатларимизни зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш борасидаги устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилот-

лари вакиллари, пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, юртимизда оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш, ёшлари-

мизни турли зарарли иллатлар таъсиридан химоя қилиш, миллий урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ўрни ва родини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Транспорт хизматлари такомиллашмоқда

Бунинг натижасида юқори сифат ва хавфсизлик таъминланади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2011 йил яқунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда мамлакатимизда транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, соҳага бозор механизмларини татбиқ этиш учун катта қулайликлар берилаётгани юрт равнақи ва эл фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкид-

ланди. Хусусан, республика автомобиль транспорти хизматлари бозорда соғлом рақобат муҳитини раванг топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Айни чоғда ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойларда тегишли хизмат ва сервис дара-

жаси ҳамда сифатини оширишга эътибор кучайтирилиб, йўналишли транспорт тармоғи ривожлантирилмоқда. Шунингдек, автотранспортда юк ва йўловчи ташини фаолиятини лицензиялаш, соҳада меъёрий-ҳуқуқий база ҳамда консалтинг тизими такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда агентликнинг бу борада амалга оширган ишлари ва 2012 йилги иш режаси ҳақида маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

Миллий авиакомпания салоҳияти кенгаймоқда

Юртимизга замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган наватдаги "Boeing — 767-300ER" ҳаво лайнери олиб келинди.



Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз ҳаво йўллари тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида халқаро андозаларга мос авиаташув ва хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси яратилди. Авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга ошириш тизими асос солинди. Айни чоғда кадрлар тайёрлаш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Шуларга уйғун тарзда миллий авиакомпания маҳаллий авиапарки изчил модернизация қилинмоқда, ян-

гиланмоқда. Ҳозир компания дунё авиасаноати брендлари — "Boeing — 757/767", "A310/320", "Rj-85" ва

Яхши хабар

ёнилли сарфлашда ниҳоятда тежамкор, ташқи кўриниши бежирим ҳамда маҳаллий шароитга мос ўзимизнинг "Ил-114/100" ҳаво кемаларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Хусусан, ҳаво йўллари дунё авиасаноа-

ти етакчиларидан бири "Boeing" компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяётгани бу борадаги самарадорликда катта аҳамият касб этмоқда. Чунончи, тўртта "В — 767-300ER" ва иккита "В — 787 Dreamliner" ҳаво кемаларини етказиб бериш тўғрисида икки томонлама имзоланган шартнома асосида қилинаётган ишлар эътиборга лойиқдир.

(Давоми 3-бетда).

Дунё нигоҳи

Сингапурда нашр қилинадиган "Today" газетасида мазкур сарлавҳа остида мақола чоп этилди. Ранг-баранг суратлар билан безатилган ушбу мақола мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган.

«Ўзбекистон — мўъжизавий ва ажиб мамлакат»

"Мега-инфо-тур" дастури доирасида юртимиз бўйлаб ижодий сафарда бўлган мақола муаллифи Хуанг Кинкин Ўзбекистоннинг бетакрор гўзаллиги, мафтункор табиати, бой маданий-тарихий ва диний меросини ҳамда ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлигини атрофлича қаламга олган.

Сафар таассуротларини муштарийлар билан ўртоқлашар экан, Х. Кинкин Тошкентнинг маҳобати ўзида унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлайди.

"Тошкентни кўриб, мен бу асим шаҳарни севиб қолдим. Кишини оҳанрабодек ўзига тортадиган мазкур мегаполисда замонавий ва тарихий меъморлик аънавалари уйғунлашиб кетганини ҳамда улар бири-бирига жуда ҳамонавон эканини ҳис қиласан киши. Бу шаҳар халифа Усмон Кўрўмои сақланаётган Хастимони мажмуаси сингари тарихий ва мафтункор меъморий ансамбллари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Оқшом чўккан Тошкент бўйлаб сайр чоғида Мустақиллик майдонининг гўзаллиги, маҳобатли фавворалари ва парвозга шайлаб турган гўзал кушлар акс этган рамзий дарвозалари мени ўзига мафтун қилди", деб ёзади муаллиф.

"Ниҳоятда гўзал ва хушманзара Чимён тоғ ёнбағри Тошкентдан чамаси бир соатлик масофада жойлашган. Бу ерда тоғчанги йўлларида эга бўлган дам олиш масканлари тармоғи мавжуд", дея ўз фикрини давом эттиради у.

Сўнгра сингапурлик журналист қадим Бухорога уюштирган сафари ҳақида хикоя қилади. Унинг фикрича, "Эски шаҳарнинг юраги Лаби Ҳовуз, Арк, кўҳна Минораи Калон каби кўп асрлик

меъморий ансамбллари билан ўралган. Ушбу иншоотларнинг гўзаллиги инсонни беихтиёр ўзига мафтун этгани ҳолда, кейинчалик ҳам уларни томоша қилиш ва завқланиш учун мазкур иншоотларни узлуksиз равишда суратга олишга ундайди кишини".

Муаллиф кўҳна Бухорода Буюк Ипак йўли пайдо бўлишидан ҳам олдинги узоқ даврлардан буюн давом этиб келаятган халқ амалий санъати тарихига эътибор қаратар экан, бу шаҳарда маҳаллий хунармандларнинг жуда кўплаб дўконлари мавжудлигини ва улар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайдиган турли-туман зардўзлик санъати, куллик, ёғоч уймакорлиги буюмларини кўз ўнгинида ясаб беришларини қайд этади.

Хуанг Кинкин кўҳна ва ҳамшиа навқирон Самарқанд ҳақида хикоя қила туриб, кўйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиради:

"ЮНЕСКО томонидан Умулжаҳон маданий мероси объекти сифатида эътироф этилган Регистон майдонини томоша қилар экансиз, бу ерда кўрганларингиздан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Маҳобатли Регистон ўзига хос ганжинидир. Самарқандда кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар жойлашган бўлиб, уларнинг гўзаллиги ва бетакрорлигини тўла ҳис этиш учун ўз кўзингиз билан кўришингиз керак. Сиз Бибиҳоним масжиди, Шохи Зинда мажмуаси, Улугбек расадхонаси, Амир Темур мақбараси сингари маҳобатли ва мўъжизавий обидалардан олам-олам завқ олиб, бу шаҳардан ҳам унутилмас таассуротлар билан қайтасиз. Чиндан ҳам, Ўзбекистон — мўъжизавий ва ажиб мамлакатдир".

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАНИНГ БЎЛАЖАК ТАЪЛИМ ХАБИ



(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари "Юсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт элтириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши юртимиз таълим тизимини тубдан ва ҳар томонлама ислоҳ қилиш бўйича эришган ижобий натижаларимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор тан олинishi бўлди.

Мазкур халқаро тадбир давомида иштирокчилар бир қатор таълим масканларида бўлишиб, у ердаги ўқув жараёни, илгор педагогик технологиялар ва Ўзбекистон таълим тизимининг натижалари билан яқиндан танишдилар. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган таълим соҳасидаги таниқли мутахассислар, нуфузли халқаро экспертлар ва таҳлилчилар, хорижий олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда профессорларидан таркиб топган чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол

ҳотлар натижасида эришилган ютуқлар салмоқли бўлиб, мутахассисларнинг малакаси ва профессионаллик даражаси мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш имконини берди, инвестициявий жозибадорлигимизни таъминлади. Шу боис улар Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатлари Тошкентни Марказий Осиё минтақасидаги таълим жараёнларининг асосий марказига айлантиришда жуда муҳим роль ўйнайди, дея ишонч билдирдилар. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг

таълим тизимида эришган ютуқлари олдимида турган янги ва янада кенг уфқларни очмоқда, деб айтиш имконини беради. Улардан бири Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўзига хос минтақавий таълим хаби (инглизчада "educational hub")га айланишидир.

Тор маънода, таълим хаби (educational hub) деганда турли йўналишларда юқори сифатли билим берадиган ҳамда халқаро миқёсда тан олинган таълим муассасалари фаолият юритадиган шаҳар, мамлакат ёки минтақа тушунилади. Унда ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тахсил олувчиларга билим берилади. Кенг маънода эса, таълим хаби (educational hub) — маҳаллий ва хорижий тахсил олувчиларни ўзига жалб қилиш, таълим соҳаси ривож учун маҳаллий ва хорижий инвестицияни киритиш, бутун дунё бўйлаб шахслар ҳамда ташкилотлар ўртасида гоялар алмашишни рағбатлантириш, трансегаравий таълим тизимини яратиш ва билимларга асосланган иқтисодиёт (knowledge-based economy)ни куришдек стратегик мақсадларни амалга ошириш йўлида бирга ишлайдиган таълим муассасалари, компаниялар, илмий тадқиқот ва техноложик марказларнинг тўлиқ мажмуасини яратишга қаратилган аниқ мамлакат тушунилади.

Дунёда таълим хабларининг шаклланиши ва ривожланиши халқаро таълим соҳасидаги куч-

ли рақобат натижасидир. Негаки, бугунги кунда таълим хизматларининг дунё бўйича экспорт ҳажми 1,5 триллион АҚШ долларига тенгдир. Бу эса таълим иқтисодиётининг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлаб турибди. Буни аллақачон глобал таълим марказларига айланган ривожланган давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, агар АҚШда 500 мингдан ортиқ хорижий талаба ёки чет элда билим олаётган талабаларнинг 20 фоизи ўқиган бўлса, таълим хизматларидан давлат бюджетига ҳар йили қарийб 20 миллиард доллар келиб тушади. Буюк Британияда (370 минг хорижий талаба) бундай кўрсаткич автосаноат, ҳатто моливий хизматлар улушидан ҳам кўпроқдир. Австралида эса чет эллик талабалар (уларнинг сони 200 мингдан ортади)га кўрсатиладиган таълим хизматларидан келадиган даромад олтин қазиб чиқаришдан бир оз ортада бўлиб, тўртинчи ўринда туради.

Хулоса ўрнида шунга айтиш лозимки, бундай тарихий-маданий меросга эга бўлган мамлакатимиз таълим соҳасида салмоқли ютуқларга эришар экан, Марказий Осиёнинг янги минтақавий таълим хаби, юқори сифатли ва аниқ пайтда кулай таълим олишни хоҳлаганларга ёрқин машаъла бўлиши йўлида катта салоҳиятга эга.

Шаҳриёр ТУРҒУНБОВ.
Шоҳмурот ШАРАПОВ ва Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда 14 худудий бўлим, 196 туман ва шаҳар бўлимасига эга бўлган мазкур фондинг маҳаллаларда шаклланган миллий кадриятларни ёшлар онгига синдириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллалар ишини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини

матбуотда эълон қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарор талабларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг дав-

Маҳалла — оила суянчи

мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти мисолида ҳам бунга яққол кўриш мумкин.

Маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмак беришнинг ноёб амалиёти тобора тақомиллашиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" ҳария жамоат фонди расмий таълим хаби, юқори сифатли ва аниқ пайтда кулай таълим олишни хоҳлаганларга ёрқин машаъла бўлиши йўлида катта салоҳиятга эга.

лат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида амалдаги қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштириш, катта умид билан ҳаётга қадам қўётган ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ҳамда имкониятлар яратиш бериш жоиз. Шу билан бирга, оиланинг барча ташвишини осонлаштириш, унинг ҳам чиройи, ҳам чаробонини саналмиш аёл зоти оғирини енгил қилиш, миллий менталитетимиз ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган зарарли таъсирлар, бузғунчи гояларга қарши туришда азалий кадриятларимиздан самарали фойдаланишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозongan маҳалла тизимининг ўрни ва таъсирини ошириш ҳам устувор вазифалардандир.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳамияти беқиёс

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Янги корхонада ишлатиб бўлинган лампалар йиғиб олиниб, хориждан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида зарарсизлантирилади. Корхона йилига 1 миллион 200 минг донна лампани утилизация қилиш қувватига эга бўлиб, ҳозир соатига 400 донагача симобли лампа қўлдан чиқарилмоқда.

Бугун "Ўзэлтехсанат" уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан йилига 2 миллион донна люминацияланган лампа ишлаб чиқарилаётганини, бу арзон ва тежамкор ашёга бўлган эҳтиёж эса 22 миллион донна ташкил этишини

ҳисобга олсак, янги мажмуанинг аҳамияти беқиёслиги аён бўлади.

Хўш, ишлатиб бўлинган лампалар қаерга топширилади?

— Аҳоли бундай лампаларни ўзлари харид қилган савдо шохобчаларига олиб бориб топширадilar, — дейди Ибодулла Шукуров. — Савдо шохобчалари ишлатиб бўлинган лампаларни қайта қабул қилишга ва харидор билан ҳисоб-китоб қилишга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир аҳоли турар joyларидаги маушай чиқиндиларга ҳам махсус қабул қилиш жиҳозлари ўрнатилди.

Али ЗИЁДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Транспорт хизматлари такомиллашмоқда

Бунинг натижасида юқори сифат ва хавфсизлик таъминланади.

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Анжуманда ўтган йилда қишлоқ жойларида 135 та қатнов очилгани, пировадарда юртимизда транспорт хизмати етиб бормоган ҳудуд қолмагани қайд этилди. Шубҳасиз, бу аҳолининг узогини яқин, мушқули осон бўлишига хизмат қилди. Бунда йўловчилар оқими ва аҳолининг мазкур хизмат турига бўлган эҳтиёжларини ўрганиб чиқиш ҳамда автокорхоналарда мавжуд транспорт воситаларини янгилашга эътибор қўйилди.

Шу билан бир қаторда, агентлик томонидан Қўқон шаҳрида барпо этилаётган автовокзал учун 1,1 миллиард сўм, Гулистон шаҳридаги автобекатни қайта таъмирлаш учун эса 316 миллион сўм ажратилди.

Тадбирда Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобиль транспортда йўловчилар таъминоти хавфсизлиги таъминоти фаолиятининг алоҳида турларини амалга ошириш тартибига солиш тўғрисида"ги қарори ижроси хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат не-

гизиде 2011 йилда жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият юритаётган юридик шахслар сони 7,5 мартага ортиб, 2346 тага етди.

Умуман олганда, ҳисобот даврида ташувар хавфсизлиги кучайтирилди. Йўловчилар маршрутларида билан бўлган автомобилда ташуварларни тендер йўли билан танлаш механизми тақомиллаштирилди. Шунингдек, йўналишсиз таксилар фаолияти сифати ва хавфсизлиги оширилди, тизим техник ҳамда технология жиҳатдан модернизация қилинди.

Тадбирда агентликнинг бошқа фаолият йўналишлари бўйича ҳам ахборотлар тингланди. Унда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

М. ҚОСИМОВ.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожини

банк-молия муассасалари фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизими барқарорлигини тақомиллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тижорат банклари раҳбарлари, олий таълим муассасалари тадқиқотчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

банк депозитларига жалб этилган маблағ 18 трлн. сўмдан ошиб, унинг ўн беш сурвати 2010 йилдагига нисбатан 36,3 фоизини ташкил қилди.

Йиғилишда тижорат банкларининг иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуришдаги ролини ошириш, уларнинг инвестицион фаолиятини ортириш ва солиқ юкунини пасайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Шунингдек, молия муассасалари фаолиятининг қонуний ва метёрий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, қимматли қозғаларни муомалага чиқариш, депозит сиебатини янада кучайтириш ҳамда банк хизматларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Д. СОДИҚОВ.

Тадбир

Таъкидландики, сўнги йилларда мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг моливий барқарорлиги ва уларнинг капиталлашув даражасини оширишга эришилмоқда. Жумладан, 2011 йилда юртимизда фаолият кўрсатаётган 23 та тижорат банки жаҳоннинг етакчи рейтинг агентликларининг "барқарор"

рейтинг даражасини олишга сазовор бўлди. Сўнги беш йил ичида эса банк сектори капиталининг етарлиқ даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган халқаро меъёрлардан (8%) уч баробар кўп миқдорда сақланиб келмоқда.

Эътиборлиси, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончи ортиб бормоқда. Чунончи, ўтган йили

ТЕЖАМКОР ВА ИСТИҚБОЛЛИ

Мутахассислар муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларига шундай баҳо беришмоқда.

Кейинги йилларда дунё миқёсида энергиянинг муқобил манбаларини татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсоният эҳтиёжи учун табиий ёқилғи турларидан кенг миқёсда фойдаланилгани унинг захираси камайишига сабаб бўлаяпти. Бунинг олдини олиш учун қўшимча имкониятларни ишга солишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти.

мажлисидаги маърузасида табиий ресурсларни излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмаслиги, ушбу соҳада мавжуд муаммоларни ҳал қилиш пайти аллақачон етиб келганлиги алоҳида қайд этилган эди. Чиндан ҳам, мазкур йўналишда муайян натижаларга эришилаётган бўлса-да, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Айтايлик, ҳозирги кунда мамлакатимизда бир неча корхонадагина қуёв ва шамол энергияси ускуналари тайёрланади. Бу борада саноат

Инновация

Шу ўринда юртимизда истиқболнинг дастлабки йилларидан бошлаб табиий захираларни оқилона ва самарали ишлатишга давлат сиебати даражасида эътибор қаратилиб, бу жараён тобора кучайтирилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мамлакатимизда муқобил ва қайта тикланувчи энергия турларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболлари мавзусида ташкил этилган давра суҳбатиде ана шулар хусусида сўз юритилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари ассоциацияси ҳамкорли-

да муқобил ва қайта тикланувчи энергия турларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларга тўхталдилар. Хусусан, аниқ пайтда "Навоийазот" оқиқ ақциядорлик жамияти ҳамда Жанубий корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда кремний иш-

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамятининг муҳим бўғини бўлган оилани ҳар томонлама — ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилди, тегишли ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, мамлакатимиз Конституциясида оиланинг мақоми белгиланиб, Оила кодекси ва бошқа бир қатор қонунлар, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари қабул қилинди.

босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

— Мамлакатингизда ёш оилаларга қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик, уларни ҳуқуқий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар эътирофга лойиқ, — деди Словения Республикаси Омбудсманни Зденка Чебашек-Травник. — Аиниқса, Ўзбекистонда оилаларни давлат ҳимоясига олиш мамлакат ижтимоий сиебатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига ғувоҳ бўлдим. Оилалар нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ҳам давлат муҳофазасига олинган экин. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон таърибасини ўрганиш биз учун жуда муҳимдир.

Давра суҳбатиде оилани муҳофаза қилиш борасидаги халқаро таъриба, Омбудсманнинг аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоялашдаги ўрни, бу борада ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзaro ҳамкорлиги каби масалаларда фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уз навбатида, болалар ва вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиесий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилиниб, парламент томонидан тегишли қонунлар қабул қилинган.

Давра суҳбатиде Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги бошқичга кўтаришда аниқ мудоаа бўлиши айтиб ўтилди. Зеро, ушбу қарорда жамятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги

ЖАҲОН

24 соат ичида

Кредиторлар ишончини қозонди

Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ва Халқаро валюта жағмармаси вакилларидан иборат инспекторлар гуруҳи Лиссабонга амалга оширган таширифи якунида Португалия иқтисодиётини ислоҳ қилиш йўлида сезиларли силжишга эришган, деган хулосага келди.



“Инспекторлар миссияси кредиторлар билан эришилган келишувларда назарда тутилган вазифалар тўлиқ бажарилганига амин бўлди, — дейди Португалия молия вазир. — Бизнинг позициямиз ва шартларимиз ҳам аввалгидек қолади. Яъни сўраганимиздан ортиқча маблағ талаб қилмаймиз”.

Бу ҳолат мазкур давлатнинг халқроқ ташкилотлардан навбатдаги молиявий ёрдам олиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, Лиссабон 14,5 миллиард евро миқдоридан қарз олишга яқин турибди.

Энг қиммат компания

Ахборот-коммуникация технологиялари ишлаб чиқарувчи “Apple” корпорацияси акцияларининг умумий баҳоси 500 миллиард АҚШ долларига етди, дейилади “The Financial Times” нашри хабарига.

Шу орқали у дунёдаги энг қиммат компаниялар рўйхатида биринчи ўринга кўтарилиб олди. Экспертларнинг фикрича, яқин кунлар ичида “Apple” акциялари нархи, ҳатто, 504 миллиард АҚШ долларига етади.



Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, қимматли қозғалар бозори тарихида 500 миллиардлик доводдан ортиқ ошши ҳозиргача бешта (“Microsoft”, “Intel”, “Cisco”, “ExxonMobil” ва “General Electric”) компанияга насиб этган.

Гиёҳванд моддалар қўлга олинди

Испания полицияси бортида 3 тонна гиёҳванд модда олиб кетаётган балиқчилар кемасини тўхтатиб қолди.

Маҳаллий компаниялардан бирига тегишли бўлган мазкур сув транспорти воситаси экипаж аъзоларининг барчаси қўлга олинган. Улар орасида Лотин Америкаси фуқароси ҳам бор. Ўтказилган текширувдан сўнг, кема Галисия портига келтирилди. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ушбу жиноятга алоқадор кишиларни аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

Бозори касод бўлди

Нидерландиянинг автомобиллар учун GPS-навигациялари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Tom Tom” компанияси даромади ўтган чорақда 31 фоизга пасайган.



Бу ҳақда “Евроньюс” телеканали хабар тарқатди. Натжидада фойда салмоғи беш баробарга, яъни 51 миллион евродан 11 миллион еврогача тушиб кетган. Компания мутасаддиларининг фикрича, бундай салбий ҳолат жорий йилда ҳам қайд этилиши мумкин. Чунки АҚШ ва Европа бозорларида “Tom Tom” маҳсулотлари савдоси суст кетаётди.

Мусавир роботлар

Германияда расм чизадиган роботлар яратилди.

Сайёҳлар кўнглини олиш мақсадида амалга оширилган ушбу лойиҳа Ганновердаги “CeBIT” кўргазмаси ташкилотчиларига тақдим этилди.

суратини бир зумда чизиб бера олади. “Robotlab” расмлар гуруҳи томонидан тайёрланган бундай роботлар яқин вақт ичида мамлакатдаги сайёҳлар таширифи буюрувчи диққатга сазовор жойларга ўрнатилди.

Эйтиборлиси, “темир одам” хоҳловчилар талабига кўра, уларнинг

Беодоб боксчи рингдан четлатилди

Жаҳон бокс иттифоқи (WBC) британиялик “чарм қўлқоп” устаси Дерек Чисорани номаълум муддатга боксдан четлатди.

Бунга унинг Мюнхен шаҳрида Виталий Кличкога қарши ўтказган жанги олдидан рақибига нисбатан қилган ҳурматсизлиги сабаб бўлди. Гап шундаки, Чисора вазн ўлчаш маросимидан сўнг Виталийнинг юзига тарсаки туширган, буниси ҳам етмагандек, рингда унинг уқаси Владимирнинг бетига сув пуфлаганди. Бахсдан сўнг эса матбуот анжуманида ватандоши, таникли боксчи Дэвид Хеа билан мушталлашиб кетганди.



Жаҳон бокс иттифоқи қарорига кўра, Чисора бундай феъл-атвори ни яхшилашга қаратилган махсус курслардан ўтмагунча WBC томонидан ташкилланган бирорта мусобақада иштирок эта олмайди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР САОДАТИ

Юртимизда баҳор нафаси кезиб юрибди. Киру адирларда аллақачон бойнечагу майсалар униб чиқиб, кўклам келганидан хабар бераётган бўлса, қушларнинг чуғур-чуғурию болажонларнинг шодон кулгиси қалбларимизга ўзгача шукҳ бахш этмоқда. Кимдир кўксомса, яна биров кўкчунвара қилиш тадоригида. Сумалак пиширишни дилига тукканлар ҳам яхши ниятда бугдой ўстиришга киришган. Ҳадемай дошқозонларда баҳорий неъмат тайёрланади ва ушбу фаслнинг энг тансиқ таоми сифатида торт қилинади. Соҳибкорлар кўш тафтидан секин-аста уйғонаётган дарахтлар оралаб, уларга шакл беришга тўтинилган бўлса, кўчаю хиёбонларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилган...

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик боис халқимиз ҳар гал фаслар келинчагини мана шундай кўтаринчилик ҳамда ўзгача кайфият билан қарши олади. Байрам байрамларга, тўй тўйларга уланади. Шундан кексаларимиз дуога кўл очганда: “Дориламон кунларга етказганига ҳуқур, хотиржамлигимизга, фаровон ҳаётимизга ҳеч қанон кўз тегмасин”, дея ният қилишади. Бундай ниятларда ҳикмат кўп. Чунки осойишта ҳаёт ҳукм сурган жойда эзгу ишлар, янги-ланишлар бардавом бўлади.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

Албатта, тинчликни таъминлаш, уни асраб-авайлаш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Бу йўлда пухта ўйланган сиёсат, мустаҳкам асос, қатъият ва изчиллик зарур. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни барпо этиш борасида ҳаётга татбиқ этилган ислохотларни мудиатли бунга мисол сифатида келтириб беришимиз мумкин. Яъни ўтган вақт мобайнида ихчам, тезкор, замонавий курул-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, сарҳадларимиз дахл-

сизлигини ишончи ҳимоя қилишга қодир бўлган Курулчи Кучларимиз барпо этилди. Армиямиз сафларини тўлдириш тақомиллаштирилди. Мудиатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, сафарбарлик чакируви резервидидаги хизматнинг жорий этилгани, чакирувининг йилда бир марта ташкил қилинаётгани ва шу каби

қатор жиҳатлар миллий армиямизнинг қиёфасини, унинг жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат тўғриси ошди.

Бугун ҳарбийлик энг шарафли касблардан бирига айланди. Чунки киши учун дунёда ўз Ватани, халқи ва оиласини ҳимоя қилишдан ҳам ортиқроқ мардонор иш йўқ. Ҳарбий қисмлар,

ифтихорга арзийди. Ана шундай шарафли касб соҳибалари, эл осойишталигини асрашга муносиб ҳисса қўишни ҳаётининг мазмунига айлантирган ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган аёллар иштирокида пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд” хайкали пойига гул қўиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилди.

— Истиклол йилларида юртимиз дунёдаги барқарор ривожланаётган давлатлар сафидан жой олди, — дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, кичик сержант Мақсуда Эшимова. — Бу, аввало, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро аҳилликни сақлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар самарасидир. Шундай шарафли ишда, оз бўлса-да, ҳиссам борлигидан қувонаман. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча аёлларни гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қўлаб қоламан.

Самимий тилаклар, эзгу ниятларга бой руҳда ўтган тадбир давомида мамлакатимизда хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Изланиш

Ўтган йили Пахтабод туманидаги 10 та фермер хўжалиги қошида ёғочсозлик, тикувчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ҳамда сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари иш бошлади.

Фермер Раҳматилла Бадалхўжаев ҳам ана шундай лойиҳани амалга ошириб, гўштни қайта ишлайдиган қорхона ташкил қилди. Бунда банкнинг 30 мил-

Фермернинг лойиҳаси

лион сўмлик молиявий кўмаги ҳамда хўжаликнинг 70 миллион сўмлик маблағидан самарали фойдаланилди. Бу ерда қиска муддатда тайёрланган

дастлабки 4 турдаги 20 миллион сўмлик маҳсулот пахтабодликлар дастур-хонига тортқ қилинди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
 бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 11 августдаги 1-9277/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор М-17/18 мавзеси, 12-уй, 72-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 87,80 кв.м., яшаш майдони 55,51 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонаси, дахлиз, ҳаммом, айвон, ошхона, хожатхонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 83 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 3 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 30 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Йлпак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамини тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Мухтарам гўрдошлар! Сиз учун имконият!

«КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилаётган хизматлар «КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

32129/1441

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЙЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЙЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОСИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ
 наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.

«КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
 қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан тақдим қилинб «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 2 февралдаги 23 (5443)-сон ва «Тошкент оқоми» газетасининг 2012 йил 3 февралдаги 24 (12.085)-сонида чоп этилган хабарномалари билан «КО’СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдоларига чиқарилган, Бектемир тумани, Мухтор Ауёзов 3-берк кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 311,0 кв.м. бина ва Ҳамза тумани, Чилон ота кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1084,0 кв.м. бўлган бино аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Бектемир тумани СИБнинг 2012 йил 17 февралдаги 3/3-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26.

Лицензия: RR-0001.

«КО’Р ТАРМОҚЛИ КО’СНМАС MULK SAVDO» МЧЖ
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 ноябрдаги 10-1108-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 7 364 071 157 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Раймқулова кўчасида жойлашган, «KINNERTASH» ҚҚ МЧЖга тегишли бўлган, умумий ер майдони 1,8295 гектарни ташкил қиладиган ва 5709,62 кв.м. майдонда жойлашган бино-иншоотлар ва бино-иншоотларнинг ичида жойлашган 35 турдан иборат бўлган асбоб-усуналар ҳамда мол-мулклар мулкий мажмуа кўринишида қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 307-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2012 йил 30 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 20 апрель куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдога қатнашиш истагидаги талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «КО’Р ТАРМОҚЛИ КО’СНМАС MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамини тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 811-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти жамоаси Чизма геометрия ва компьютер графика кафедраси мўҳнат фахрийси

Аҳмаджон МИРЗАЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

